



JISMONIY TARBIYA VA SPORT ILMIY TADQIQOTLAR INSTITUTI

# Sportda ILMIY TADQIQOTLAR

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2023/2



МАТКАРИМОВ Р. М.  
(Ўзбекистон, Бош муҳаррир)

КЕРИМОВ Ф.А.  
(Ўзбекистон,  
Бош муҳарир ўринбосари)

*Таҳрир ҳайъати аъзолари:*

Р.М.Маткаримов  
Ф.А.Керимов  
М.Ў.Арзиқулов  
С.Б.Репкин  
В.Г.Олешко  
И.П.Сивохин  
Милан Михайлович  
В.В.Шиян  
А.С.Гонашвили  
А.З.Ходжаев  
Р.Д.Холмуҳаммедов  
Н.Ж.Исақулова  
О.Е.Ҳайитов  
Д.Х.Умаров  
М.Х.Миржамалов  
М.С.Олимов  
Н.М.Юсупов  
К.Д.Ярашев  
Д.Н.Арзиқулов  
А.А.Умматов  
А.Н.Шопўлатов  
Ш.Ш.Газиев  
Е.Н.Черникова  
Ш.С.Мирзанов  
Р.А.Бурнашев  
М.М.Қирғизбоев  
С.Қ.Адилов  
Л.З.Холмурадов  
Ш.С.Ёлдашов  
Х.Ў.Тошматов  
И.Б.Алиев  
В.Ш.Рахимов  
С.Р.Ураймов  
А.Т.Хасанов  
А.Б.Жуманиёзов  
З.Б.Болтаев  
Ш.Ш.Эркинов  
Ш.Х.Тоштурдиев



ILMIY TADQIQOTLAR

илмий-назарий журнали

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ**

**СПОРТ МАШГУЛОТЛАРИ:  
ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ /  
ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА  
СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ**

<b>Т.С. Усманходжаев., Н.А.Чоршамиев – Довруғи ошиб бораётган миллий кураш турларининг илмий салоҳияти ва имкониятлари.</b>	3
<b>М.Б.Ибрагимов – Юқори малакали футболчи аёлларни йиллик циклнинг мусобақа даврида тайёрлаш ва унинг таҳлили.</b>	8
<b>О.Р. Игамбердиев – Кўп йиллик тайёргарликнинг юқори босқичларида футболчиларни саралаб олиш тизимлари.</b>	12
<b>Э.И. Байтўраев – Самбо беллашувларида вақт-оралиқни фарқлаш реакциясининг ўрни ва уни баҳолаш услугияти.</b>	16
<b>К.Н. Муродов – Спорт курашида маҳсус ускунга ва машқлардан фойдаланиш самарадорлиги.</b>	19
<b>М.Ш. Рахимова – Повышение уровня физической подготовленности квалифицированных каратистов методом круговой тренировки.</b>	23
<b>S.R. Uraimov – Pedagogical experiment on the dynamics and comparative dynamics of movement qualities during the annual educational cycle using health tests for primary school-aged children.</b>	28
<b>Ф.Ш. Ахмедов – Халқаро тажрибалар асосида кураш мутахассислари тайёрлаш тажрибаси.</b>	33
<b>Ш.Х. Тоштурдиев – Оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлигига машғулот дастурларининг тузилиши ва мазмуни.</b>	36
<b>Х.М. Тошпўлатов – Малакали волейболчиларда ўзгарувчан йўналишлар бўйлаб югуриш тезкорлигининг ўқув-машғулот йили давомида ўзгариш динамикаси.</b>	42
<b>Ш.Т. Рахматова – Бадий гимнастикачиларнинг маҳсус харакат тайёргарлигини оширишда хореографик мувозанат машқларидан фойдаланиш.</b>	46



Еңда оржасы үч бошли мушаги	Букучи мұнап	МО	26,12	3,33	12,75	28,72	3,36	11,70	2,60	9,95	2,27	<0,05
		МС	25,67	2,97	11,57	28,78	3,06	10,63	3,11	12,12	3,01	<0,01
		МК	30,34	3,23	10,65	33,76	3,31	9,80	3,42	11,27	3,05	<0,01
	Ең жарғылған мушаги	МО	19,63	2,71	13,81	21,37	2,73	12,77	1,74	8,86	1,87	<0,05
		МС	18,64	1,98	10,62	20,89	2,04	9,77	2,25	12,07	3,26	<0,01
		МК	20,46	1,81	8,85	22,63	1,86	8,22	2,17	10,61	3,45	<0,01
Сонгүр болған мушаги	Букучи мұнап	МО	29,48	3,79	12,86	32,48	3,79	11,67	3,00	10,18	2,31	<0,05
		МС	27,37	2,94	10,74	30,77	2,97	9,65	3,40	12,42	3,35	<0,01
		МК	33,56	3,29	9,80	37,34	3,56	9,53	3,78	11,26	3,22	<0,01
	Бодидир мұнап	МО	92,83	12,73	13,71	102,76	12,88	12,53	9,93	10,70	2,26	<0,05
		МС	90,24	10,44	11,57	98,66	10,56	10,70	8,42	9,33	2,34	<0,05
		МК	94,57	9,14	9,66	104,67	9,26	8,85	10,10	10,68	3,20	<0,01
Бодидир мұнаги	Букучи мұнап	МО	22,26	3,09	13,88	24,77	3,15	12,72	2,51	11,28	2,35	<0,05
		МС	20,78	2,44	11,74	22,84	2,48	10,86	2,06	9,91	2,44	<0,05
		МК	25,96	2,52	9,71	28,08	2,53	9,01	2,12	8,17	2,45	<0,05
	Ең жарғылған мұнап	МО	55,04	6,98	12,68	62,47	7,12	11,40	7,43	13,50	3,07	<0,01
		МС	54,58	5,86	10,74	60,77	5,86	9,64	6,19	11,34	3,08	<0,01
		МК	70,83	6,22	8,78	78,44	6,38	8,13	7,61	10,74	3,52	<0,01

Жадвалда келтирилген маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш НГ натижаларида сингари ҳамма, яъни МО, МС ва МК кузатув даврларида ТГда ҳам, мушаклар то-нусининг тажриба давомида ижобий ўзгариш тенденциясини аниқлаш имконини берди.

Бундан ташқари, олинган натижалар асосида ҳисобланған вариация коэффициент кийматлари тажриба бошида 13,59% билан 12,74% оралығыда, тажриба охирида эса 2,45% билан 2,98% оралығыда кузатилди. Бу ерда ҳам қолғанлари шу икки чегаравий кийматлар орасида жойлашған ҳамда худди кичик 12-13 ёшли синалувчилар натижаларида ва НГ натижаларида кузатилғани сингари вариация коэффициент кийматлари тажриба охирига келиб бошидагига нисбатан ижобий ўзгарған (яъни камайған).

Массаж услугиятини ўзлаштиришда қуиидаги қоидаларни билиш мұхим: барча усуллар лимфа йўллари бўйлаб, яқиндаги лимфа түгунлари томон бажарилади. Кўллар кафтдан то тирсак бўғимигача, тирсак бўғимидан то қўлтиқача (лимфа түгунлари бор жойгача) массаж қилинади; оёқлар-оёқ кафтидан то тизза бўғимларигача (тақим түгунларигача), тизза бўғи-

мидан то чов түгунларигача массаж қилинади. Кўкрак қафаси ўртаси ён томонларга, қўлтиққа томон, орқа умуртқадан ён томонларга, бел ва думғаза соҳаси - чов түгунларигача бўйин – соч қопламидан пастга қараб, ўмров ости безларига қараб массаж қилинади. Лимфа безлари массаж қилинмайди; массаж қилинаётган кишининг ҳолати мушакларни максимал даражада бўшаштиришга ёрдам бериши ва толиқтирмаслиги керак; тана тоза бўлиши лозим; массаж қилаётганда оғриқ сезишга йўл қўймаслик зарур, чунки улар рефлекс тарзида бир қатор нохуш вегетатив реакцияларни келтириб чиқаради. Бу реакциялар юқори қон босими, асабийлашиш билан кузатилиши мүмкін, бу эса массаждан олинадиган самараға путур етказади.

Мураббийлар, спорт шифокорлари ва спортчиларни нафақат ишchanлик қобилиятыни тиклантиришга, балки уни қисқа вақт ичида амалага оширишга ёрдам берувчи воситалар ҳамда уларнинг аралаш шакллари қизиқтиради. Шу сабабли тиклантиришнинг энг мұхим воситаси ҳисобланмиш массажга катта эътибор қаратилади. Биринчидан, массаж ҳар қандай шароитда ва спортчининг функционал ҳолатида қўлланилади, вақт ва



усуллар күчига қараб осон меъёрганади, бошқа тикланиш воситалари билан үйғун ҳолда қўллаш мумкин ва юқори даражада “тезкор таъсирга” эга.

#### **ХУЛОСАЛАР:**

1. 12-13 ва 14-15,16-17 ёшдаги спортчиларда мушак кучининг ёшга хос фарқлари кичик ёш гурухидаги курашчиларда яққолроқ намоён бўлди. Машқланиш даражаси ўсиб бориши билан ёшга хос фарқлар йўқолиб боради.

2. Кичик ( 12-13 ёш) ва катта (16-17 ёш) гурухларида икки бошли ва уч бошли мушакларнинг бўшашиш ҳолатидаги мушак тонуси бир-биридан катта фарқ қилмайди. Ўрта ёш гурухидаги (14-15 ёш) барча текширилаётган мушаклар гурухи учун бошқа иккита ёш гурухидаги ўсмирларнинг тегишли кўрсаткичларига нисбатан 5-7 марта (реахорд шкаласи) юқорироқ. Бу ўрта ёш гурухдаги болаларда мушакларни бўшашиш қобилиятининг пасайшини кўрсатади, буни жинсий етилиш даврига боғлиқ ҳолда организмда кечётган ўзгаришлар билан тушунириш мумкин.

3. Катта ёш гурухида таранглашиш ҳолатидаги мушак тонуси катта кўрсаткичларга эга ва ёш гурухидаги болалардаги бундай кўрсаткичлардан анча юқори.

4. Бир марталик машғулотлар мушаклар кучи, тонуси ва ишчанлик қобилиятига маълум даражада кўрсатади:

а) мушак кучи пасаяди: энг катта пасайиши оёқларнинг сон ва болдир мушаклари гурухида қайд қилинади, бу кураш машғулотлари жараёнида айтиб ўтилган мушаклар гурухига тушадиган максимал юклама билан боғлиқ; мушак кучининг пасайиши ўрта ёш гурухида анча аҳамиятли;

б) барча ёш гурухларида мушак тонуси кўрсаткичи бўйича баҳоланадиган эркин таранглашиш ва бўшашиш қобилияти пасаяди.

5. Бир ой давом этадиган машғулотлар ҳам букувчи, ҳам ёзувчи мушаклар кучининг ўсишини келтириб чиқаради ва бу ўсиш кўпроқ оёқлар мушакларига тўғри келади. Бундай ўзгаришлар кичик ёш гурухида яққол намоён бўлади. Ўрта ва катта ёш гурухларида мушак кучининг янада ўсиб бориши қайд қилинди, бироқ у кичик ёш гурухига нисбатан кам аҳамиятли бўлди.

6. Узоқ муддатли (3-5 ой давомидаги) машғулотлар барча ёш гурухларида ҳам қўллар, ҳам оёқларни букувчи ва ёзувчи мушаклари кучининг янада жадал ўсишига олиб келади.

Бироқ бундай ўсиш кичик ёш гурухида анча ошгани кўринди.

7. Шарқона массажнинг қўлланилиши қўйидагиларга ёрдам берди:

а) барча ёш гурухларида ёш спортчиларда мушак кучининг ошиб бориши; унинг катталиги нафақат дастлабки кўрсаткичларига етди, балки ундан ҳам ошди;

б) меъёрий мушак тонусининг тикланиши, бу таранглашиши тонуси ва бўшашиш тонуси орасидаги амплитуданинг (чегаранинг) ўзгаришлари билан тасдиқланади;

в) терининг деярли барча қисмларида тери ҳароратининг дастлабки даражагача ошиши.

8. Машғулотдан кейин илиқ душнинг қўлланилиши бўшашиш тонусининг пасайишига ёрдам берди. Бунда барча ёш гурухларида тери ҳарорати дастлабки кўрсаткичларга етади ва бир қатор ҳолларда бироз ошади.

9. Иссик иқлим шароитларида яшайдиган ёш спортчиларда жисмоний юкламалар таъсирида аниқланган бир қатор физиологик кўрсаткичларни ўрганиш натижасида олинган маълумотларни мўътадил иқлим шароитларида яшовчилар натижалари билан таққослаш шуни кўрсатдики, биринчиларида мушак кучи ва мушак тонуси иккинчилариникидан фарқ қиласди. Мушаклар ишчанлик қобилияти ва тери ҳарорати катталикларида бошқа иқлимий зоналарда олинган шундай кўрсаткичлардан бирмунча юқори.

#### **Адабиётлар:**

1. Саркизов-Серазини И.М. Спортивный массаж. Учебник для ифк. М. 1962.

2. Лях В.И., Садовский Е.О., о концепциях задачах, места и основной положений координационной подготовки в спорте. Теория и практика физической культуры.

3. Керимов Ф.А. Теоретико – методические направления содержания и структуры дисциплины спортивной борьбы: Автореф. Дис. Д-ра пед. наук. -М., 1995.-53 с.

4. Плотонов В.Н., общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Киев олимпийская литература. 1997.

5. Сафарова Д.Ж. Спорт морфологияси, Т.: 2015.30-55-б.

6. Мирзанов Ш.С. – “Белбоғли курашчиларда куч қобилиятини изокинетик машқлар ёрдамида ривожлантиришининг баҳолаш методикаси” Дисс. Ч.1920-135 б.

7. Артиков З.С. ва бошқ. Малакали курашчилар мусобақа ва машғулот жараёнини педагогик назорат қилишининг назарий методик асосларини тақомиллаштириши, Дисс. канд. пед. наук -М.2020, Б.14-85.



Педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент

**М.Б. ИБРАГИМОВ<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>Бухоро давлат университети  
Бухоро шаҳри, Ўзбекистон

Муаллиф билан боғланиш учун:  
*ibragimov.maniuchekhr@mail.ru*

## ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИ АЁЛЛАРНИ ЙИЛЛИК ЦИКЛНИНГ МУСОБАҚА ДАВРИДА ТАЙЁРЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

### Аннотация

Данная статья посвящена подготовке высококвалифицированных футболисток к соревновательному периоду годового цикла и анализу их технико-тактических действий в играх.

**Ключевые слова:** высококвалифицированный, годовой цикл, подготовительный, соревновательный, технико-тактический.

Ушбу мақола юқори малакали футболчи аёлларни йиллик циклнинг мусобақа даврида тайёрлаша ва ўйинлардаги техник-тактик харакатлар таҳлили олиб борилган.

**Калим сўзлар:** юқори малакали, йиллик цикл, тайёргарлик, мусобақа, техник-тактик.

This article is devoted to the preparation of highly qualified women players during the competition period of the annual cycle and their technical and tactical actions in games, as well as its analysis.

**Key words:** highly qualified, annual cycle, preparation, competition, technical-tactical.

**Долзарблиги.** Республикаизда юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш ва саралаш (селекция) тизимини янада тақомиллаштириш, футбол бўйича спорт мактаблари фаолиятини янги боскичга кўтариш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш, ўтказилаётган мусобақалар савиясини юксалтиришда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Футболни оммавийлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида туман (шахар) болалар-ўсмиirlар спорт мактабларида аёллар футболи, футзал (мини-футбол) ва соҳил футболи гурухларини ташкил қилиш, улар ўртасида мунтазам равишда мусобақаларни ўтказиш” белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қизлар ўртасида U-14, U-16 Ўзбекистон чемпионатлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Аёл футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини мажмуавийлик тамоилиларига, ўйинчиларнинг асосий ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган машғулот таъсиrlарининг вариативлигига асосланган холда ўйинлараро циклларда тақомиллаштиришнинг намунавий талабини қўймоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори малакали футболчи аёлларни йиллик цикл мусобақа даврида тайёрлаш ва унинг таҳлилини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг ташкил этилиши:** Куз-

### Annotation

тишлар 2019-2020 йилларда аёллар олий лига мусобақасида фаолият олиб борган “Buxoro-W” жамоасида олиб борилди.

Бугунги кунда микроциклларни режалаштиришда муҳим муаммолардан бири бу мусобақа давридаги юкламаларининг тузилиши ҳисобланади [2, 4, 5]. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир хил йўналишдаги юкламаларни орасида вакт ўтказиб, айрим функцияларнинг тикланишини инобатта олиб микроцикллардаги машғулотларни режалаштириш керак [1, 3].

Мусобақа давридаги ўйинлар орасидаги энг мақбул циклни ўйинлар орасидаги олти кунлик оралиқ билан ҳафталиқ цикл деб ҳисоблаш мумкин. Футбол бўйича миллий чемпионатни ўтказиш амалиётида турли сабабларга кўра ўйинлар ўртасидаги цикллар жуда хилма-хил - икки кундан ўн бир кунгача ва ундан кўпроқ кунлар бўлиши мумкин. Демак, машғулотларни режалаштириш ва ўйинчиларни мусобақага тайёрлашда муайян қийинчиликлар юзага келади. Шу сабабли, аёл футболчиларнинг машғулот ва ўйинларга физиологик мослашувига эришиш керак, бу унинг ҳажми ва юкламадан кўра самарали машғулотни режалаштиришга боғлиқ бўлади.

Ўйинлар орасидаги икки, уч ва тўрт кунлик оралиқ билан машғулотлар қисқа муддатли (60-90 дақиқагача), аммо юклама жиҳатидан жадал, ҳаяжонли, кўп сонли ўйин вазиятлари



билин, юрак уриш тезлиги 150-200 зарб/дақ бўлиши керак.

6 - 7 кунлик оралиқлар билан (ва ундан кўп), юқори, ўрта ва кичик юклама билан узоқ машғулотлар (1,5-2,5 соат) бўлиши мумкин. Бундай машғулотларнинг мақсади хужум ва ҳимоя ҳаракатларини амалга оширишда техник машқларни, тактик билимларни та-комиллаштиришдан иборат. Машғулотларда футболчилар техник ёки техник-тактик усулларни камидан 100-150 марта тақрорлаши керак. Машғулот цикллари, тайёргарлик давридаги каби, олдинги юкламага ва режалаштирилган кундаги футболчиларнинг ҳолати қараб, бир ва икки марталик машғулотларни ўз ичига олади. Кўп марталик машғулотларга индивидуал ёндашиш керак.

Сўнгги йилларда олий лига аёллар футболи бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати тақвим режасининг таҳлили шуни кўрсатадики, мусобақанинг тўртинчи кунида ўтказиладиган ўйин энг кенг тарқалган бўлиб - 27,2%, ундан кейин олти ва етти кунлик микроцикллар келади, улар 21,7% ни ташкил қилади. Кейинги энг муҳимлари уч кунлик ва беш кунлик микроцикллар бўлиб, улар мос равишда 19,1% ва 15,1%ни ташкил этади.

Баъзида ўйинлар орасида 8 кундан то 14 кунгача танафус бўлиши ҳам мумкин.

Тажрибада текшириш, мусобақа даврида педагогик кузатиш, адабиётлар таҳлили ва бошқаларни инобатга олиб, мамлакатимизда анъанавий равищда мусобақа босқичида ўйинлараро цикл (март - ноябрь ойлари) ўтказилади.

Машғулот жараёнини ташкил этиш бўйича тўплангандай тажриба ва таҳлилни ҳисобга олган ҳолда мусобақа босқичида машғулот юкламаларини режалаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Мусобақа давридаги уч, тўрт, беш, олти ва етти кунлик микроциклларда юкламаларни оптимал режалаштиришнинг варианларини кўриб чиқамиз.

Уч кунлик циклда, қоида тариқасида, биринчи куни футболчилар дам олиб, тикланиш ишларини олиб борадилар. Иккинчи куни футболчилар гурӯхли, жамоали ва индивидуал техник-тактик ҳаракатлар устида иш олиб борадилар.

Учинчи куни расмий ўйинга тайёрланиб майдонга тушадилар. Мусобақа даврида уч, тўрт, беш, олти ва етти кунлик циклда юкламаларни режалаштириш тавсифи 1-жадвалда кўрсатилган.

Тўрт кунлик циклда юкламаларни меъёрлаштириш варианларини кўриб чиқамиз. Шундай қилиб, ўртача аэроб юкламаларнинг бажарилиши аёл футболчилар ўртасида ҳар хил чарвоқни келтириб чиқариши аниқлайди. Бу шуни кўрсатадики, ўйинлар орасидаги бундай қисқа вақт оралиғида ривожланаётган юкламаларни кўтариш футболчиларга жуда қийинлик қилади, шу учун қўллаб-қуватловчи характердаги юкламадан фойдаланиш мумкин, чунки бу функционал тайёргарлик хусусиятта эга бўлади.

Бундай оралиғидаги давомийлик циклларда фақатгина кейинги ўйинга тайёргарлик кўриш мумкин. Бу пайтдаги бажариладиган юкламалар футболчи аёлларнинг функционал имкониятларини оширишга ёрдам бера олмайди.

Тўрт кунлик ўйинлараро циклдаги спортчиларнинг юкламаларини тавсифи 1- жадвалда кўрсатилган. Ушбу циклнинг биринчи ҳолатида жадаллик юқори, иккинчисида - ўртача бўлади. Тўрт кунлик ўйинлараро цикл давомида аёл футболчилар таркибида маълум ўзгаришлар қайд этилади. Дам олиш пайтида организм турили хил функционал ҳолатининг кўрсаткичлари физиологик меъёрга келади.

Ишлаб чиқилган ва асосланган ушбу дастур футболчилар организмига етарлича ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолат беради. Барча ҳолатларда юрак уриш тезлиги, қон босимининг кўтарилиши, гемодинамикада етарли силжишлар кузатилади.

Кўйида беш кунлик циклнинг машғулот юкламасини тавсифловчи маълумотлар берилган.

Кўриниб турибдики, ўйинлар циклида учта ихтисослаштирилган маҳсус машғулотлар ўтказилади. Биринчисининг давомийлиги 60 дақиқа, иккинчиси 90 дақиқа, учинчиси 60 дақиқадан иборат. Дам олишдан кейин биринчи машғулотда тўп билан машқ бажарилади.

Шундай қилиб, беш кунлик ўйинлар оралиғида юқори юкламаларни кўп маротаба бажариш яхши самара бермайди. Шунинг учун, беш кунлик машғулот цикли режалаштирилганда юкламалар асосан ўртача шиддатда бўлади. Футболчиларнинг организми бундай қисқа вақт ичидаги тўлиқ тикланиб олишга ултурмайди. Шунинг учун, машғулот юкламалари ушлаб турувчи характерда бўлади.

Олти кунлик ўйинлараро цикл иш юкламасини тавсифловчи маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, циклда тўртта ихтисослаштирилган маҳсус машғулотлар ўтказилади.



1-Жадвал

**Мусобақа давоми босқичида машғулот юкламаларининг режалаштириши (уч, тўрт, беш, олти ва етти кунлик микроциклларда)**

Прис куни	Машгулот	Координацион мураккаблиги	Ихтисослаш-ганилиги	Шиддати	Йўналтирилганлиги	Хажми (дач)					
<b>Уч кунлик</b>											
1 Дам олиш, тикланиш тадбирлари											
2	Кечки	Гурӯҳ бўйлаб харакатланишларни тақомиллаштириш	Махсус	Ўрта	Умумий чидамлилик	60					
3	Кечки	Тақвим ўйини									
<b>Тўрт кунлик</b>											
1 Дам олиш, тикланиш тадбирлари											
2	Кечки	Мураккаб ва оддий ўйин машқлари	Махсус	Катта	Тезкор-чидамкорлик	90					
3	Кечки	Гурӯҳ бўйлаб харакатланишларни тақомиллаштириш	Махсус	Ўрта	Комплекс	60					
4	Кечки	Тақвим ўйини									
<b>Беш кунлик</b>											
1 Дам олиш, тикланиш тадбирлари											
2	Кечки	Техник-тактик маҳоратни тақомиллаштириш	Махсус	Ўрта	Комплекс	60					
3	Кечки	Мураккаб ўйин машқлари	Махсус Номахсус	Катта	Тезкор-куч чидамлилик	90					
4	Кечки	Гурӯҳ бўйлаб ўзаро харакатларни тақомиллаштириш	Махсус	Ўрта	Комплекс, умумий чидамлилик	60					
5	Кечки	Тақвим ўйини									
<b>Олти кунлик</b>											
1 Дам олиш, тикланиш тадбирлари											
2	Кечки	Техник-тактик маҳоратни тақомиллаштириш	Махсус	Ўрта	Комплекс	90					
3	Кечки	Мураккаб ўйин машқлари.	Махсус	Катта	Тезкор-куч чидамлилиги	90					
4	Кечки	Мураккаб ва оддий ўйин машқлари.	Махсус	Катта	Тезкор-чидамлилик	90					
5	Кечки	Гурӯҳ бўйлаб ўзаро харакатларни тақомиллаштириш.	Махсус	Ўрта	Комплекс, умумий чидамлилик	60					
6	Кечки	Тақвим ўйини									
<b>Етти кунлик</b>											
1 Дам олиш, тикланиш тадбирлари											
2	Кечки	Техник-тактик маҳоратни тақомиллаштириш	Махсус Номахсус	Ўрта	Комплекс	90					
3	Кечки	Мураккаб ўйин машқлари.	Махсус	Катта	Тезкор-куч чидамлилик	90					
4	Кечки	Циклик ва координацион машқлар.	Номахсус	Катта	Куч	90					
5	Кечки	Мураккаб ва оддий ўйин машқлари.	Махсус	Ўрта	Тезкор – чидамлилик	90					
6	Кечки	ТТҲни тақомиллаштириш	Махсус	Ўрта	Комплекс	60					
7	Кечки	Тақвим ўйини									

Биринчиси, иккинчиси ва учинчи машғулотлар 90 дақиқадан ҳамда тўртинчиси 60 дақиқадан иборат. Биринчи машғулот ўртача, иккинчи ва учинчи юқори, тўртинчиси эса ўртача шиддатда бўлади.

Шундай қилиб, олти кунлик цикл мусобақа

даврида машғулот юкламаларининг режалаштириш бўйича дастурини ишлаб чиқиши ва асослаш шуни кўрсатдики, олти кунлик ўйинлараро циклда ривожланаётган характердаги катта юкламалар билан асосан битта ёки иккита машғулотдан фойдаланса мақсаддага мувофиқ бўлади.

Кўриниб турибдики, ўйинлараро циклда тўртта ихтисослаштирилган маҳсус машғулотлар ўтказилади. Биринчи, иккинчи учинчи ва тўртинчи машғулотнинг давомийлиги 90 дақиқадан, бешинчи машғулотнинг давомийлиги 60 дақиқадан иборат бўлди. Биринчи, тўртинчи ва бешинчи машғулотларнинг шиддати ўртача, иккинчи ва учинчи машғулот юқори даражада эди.

Ўйинлараро машғулотлар циклини тузишда, микроцикл қўйидагиларни ўз ичига олиши кераклигини хисобга олиш керак.

– вақтингча функционалликни камайтирадиган катта юкламаларни;

– машқлар самарасини кучайтириб, ўртача юкламаларни;

– паст юклама билан, тикланишни осонлаштирадиган ва катта юкламаларни қўллаш учун асос яратадиган.

Бундай машқлар энг юқори самарадорлик ҳолатига ва барча тана тизимларининг ўйин тайёрлигига олиб келади.

6 - 7 кунлик оралиqlар билан (ва ундан кўп) бўлган шароитларда катта, ўрта ва кичик юкламалар билан узоқ вақтли машғулотлар (1,5-2,5 соат) бўлиши лозим. Бундай машғулотларнинг мақсади хужум ва ҳимоя ҳаракатларини амалга оширишда техник усулларни ва тактик комбинацияларни тақомиллаштиришдан иборат. Мусобақа босқичида микроцикл давомида машғулот юкламаларининг тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган. Ишлаб чиқилган ва илмий асосланган ушбу дастур унинг футболчи қизлар организмига етарлича ижобий таъсир қўрсатаётганидан далолат беради.

Хулоса қилиш мумкинки, ўйинлар орасидаги қисқа вақт оралиғида ривожланаётган юкламаларни ўтказиш футbolчи аёлларга қийинлик қиласи, шунинг учун функционал тайёргарлик даражасини қўллаб-куватловчи характердаги юкламалардан фойдаланилади.

Ўйинлар орасидаги бундай давомийлик билан фақат кейинги ўйинга тайёргарлик кўриш мумкин ва шу кунларда бажарилган юкламалар футbolчиларнинг маҳоратини оширишга муваффақ бўлади.



Футболчиларнинг нафақат жисмоний тайёр гарлиги, балки мусобақа босқичида техник-тактик ҳаракатларни бажариш самарадорлигига ҳам ижобий таъсир қиласди. 2-жадвалда 2019 ва 2020 йиллар мавсумида мамлакат чемпионати ўйинларида олинган ТТХлар маълумотларининг қиёсий таҳлили натижалари берилган. Мусобақа даврида, асосан 3-7 цикллик дастурлар бўйича жамоа томонидан машғулотлар олиб борилган ва юкламаларнинг оқилона режалаштирилиши кейинги мавсумда натижаларнинг ошишига ёрдам берди. Бунда 2020 йилги мавсумда футболчи аёлларнинг техник ва тактик маҳорати кўрсаткичлари ошганлигини кўришимиз мумкин.

Ўтказилган назорат ва ўртоқлик ўйинларида мусобақа фаолиятини баҳолаш пайтида олинган маълумотлар, расмий ўйинларда футболчи аёлларни кўрсатган техник-тактик ҳаракатлар натижалари ҳам зарур бўлди. Футболчи аёллар техник ва тактик ҳаракатининг умумлаштирилган миқдорий ва сифат кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар 30 та ўйин давомида олинган.

Тажрибадан сўнг жамоанинг ТТХлар умумий сони ошди, ноаниқ ҳаракатлар сони эса камайди. Футболчиларнинг техник-тактик ҳаракатларни амалга оширишда ўйинчиларнинг функционал ҳолатини инобатга олган ҳолда тўп узатиш аниқлиги – 11,7% га, тўпни олиб қўйиш ва юриш – 25,5% га, дарвозага зарба бериш ва тўпни илиб кетиш – 22,8% га, тўп учун ҳавода яккама-якка олишувлар – 39,8% га яхшиланиб, юқори малакали футболчи аёллар техник-тактик ҳаракатларни самарали ўзлаштиришди.

Бундан ташқари, мусобақа давридаги ўйинларда голли узатмалар сони ошди, бу жамоанинг кўпроқ комбинацион футбол ўйнай бошлаганлигидан далолат беради. Турли хил масофаларда тўп узатиш, дарвозага зарба бериш сони ва аниқлигининг ошиши қайд этилди.

## 2-Жадвал

### Юқори малакали футболчи аёлларнинг йиллик циклдаги техник-тактик ҳаракатлари кўрсаткичлари

Т/р	Техник-тактик ҳаракатлар	2019 йил мавсуми		2020 йил мавсуми		ТТХ кўрсаткичларининг йиллик ўсиш суръати % да
		Аниқ, марта	Ноаниқ, марта	Аниқ, марта	Ноаниқ, марта	
1	Тўпни орқага узатиш	1023	70	1109	38	8,4

2	Кўндалангига тўп узатиш	1005	134	1196	73	19
3	Тўпни олдинга узатиш	3298	2357	3341	1960	1,3
4	Ўтқир тўп узатиш	160	28	189	22	18,1
5	Тўпни олиб кўйиш	1075	925	1237	675	15,1
6	Тўпни олиб юриш (алдаб ўтиш)	481	418	654	312	35,9
7	Тўп учун ҳавода яккама-якка курашиш	309	200	432	124	39,8
8	Тўпни илиб кетиш	452	413	565	341	25
9	Тўпни эгаллаб олиш	294	606	821	532	79,2
10	Бош ва оёқда дарвозага зарба бериш	165	157	198	120	20,7
	Йил давомида жами	8262	5308	9742	4197	17,9

Олинган маълумотлар шундай хулоса қилишимизга имкон берадики, машғулотнинг тажриба босқичида ишлатилган турли йўналишга эга юкламаларнинг оқилона нисбати, машғулот воситалари ва усуллари нисбати ўйинчиларнинг жисмоний тайёр гарлик кўрсаткичларини оширишни таъминлабгина қолмай, балки мусобақа шароитида техник-тактик ҳаракатларни амалга ошириш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди.

### Адабиётлар:

1. Бен Сиад Нуреддин, Голомазов С.В. Исследования влияния специализированности нагрузки анаэробно-гликолитической направленности на точность двигательных действий футболистов. Сб. науч. трудов. Т.1. – М.: ЭРГАФК, 1997. – 46 с.
2. Базилевич О.П. Система или размышления о том, каким был, стал и может стать футбол. – К., 2017. – 277 с.
3. Годик М.А. Физическая подготовка футболиста. – М.: Олимпия PRESS, 2006. - 191 с.
4. Лисенчук Г.А. Управление подготовкой футболистов. – К.: Олимпийская литература, 2003. – 105 с.
5. Полишикис М.С., Выжгин В.А., Сагасти Р.Р. Технико-тактическая подготовка квалифицированных футболистов: Учеб. пособие для слушателей ВШТ. - М., 1988. - 88 с.